

отформатировано: выделение цветом

IMANUM ПЛАТФОРМАСИДА МАҲСУЛОТГА БУЮРТМА БЕРИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВ

(молия ижара учун)

№ 3-сон

Тошкент шаҳри

“3” феврал 2025 йил.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

“Дастлабки келишув” – Мижоз томонидан маҳсулотга буюртма бериш ва уни Компания томонидан Мижоз учун сотиб олиш бўйича икки томонлама ваъдалашув.

“IMANUM” – “IMANUM” электрон платформаси (www.imanpay.uz интернет манзилидаги сайтда жойлаштирилган ва/ёки Google Market ва App Store’дан юклаб олиш мумкин бўлган мобил иловалар орқали фаолият юритувчи платформа. Маҳсулотларнинг офлайн ва онлайн буюртма ҳамда савдолари IMANUM платформаси орқали амалга оширилади.

отформатировано: русский

“Офлайн савдолар” – бу Мижоз маҳсулот ҳақида маълумот олиш, уни танлаш ва харид қилиш учун буюртмани расмийлаштириш мақсадида Компания билан ҳамкорлик қилувчи дўконларга ташриф буюриш орқали амалга ошириладиган савдо шакли.

“Онлайн савдолар” – бу Мижоз маҳсулот ҳақида маълумот олиши, уни танлаши ва харид қилиши учун буюртмани Компаниянинг электрон платформаси орқали ёки Компания билан ҳамкорлик қилувчи дўконларга тегишли электрон платформалар (веб-сайтлар ёки иловалар) орқали расмийлаштириш йўли билан амалга ошириладиган савдо шакли.

“Компания” – “IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO” коммандит ширкати, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатга олинган. (Рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома: 2020 йил 13 февраль, № 814296. ИНН: 307128450, ИФУТ: 47190, МФО: 01017. Ҳисоб рақами: 2020 8000 2051 8157 4001, “Ипотека-Банк” АКИБ Яккасарой филиалида). Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй.

“Мижоз” – ушбу дастлабки келишувда кўрсатилган шартларни тўлиқ ва сўзсиз акцепт қилган, муомала лаёқатига эга jisмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

“Компаниянинг ҳамкор-дўкони” – бу Компания томонидан кейинчалик уни Мижозга сотиш мақсадида унинг буюртмасига асосан маҳсулот харид қилинган тадбиркорлик субъекти (дўкон).

“Тараф” ёки “Тарафлар” – контекстга боғлиқ равишда Мижоз ёки Компания, ёки мос равишда ҳар иккала тараф.

“Маҳсулот” – фуқаролик айланмасидан олинмаган ва чекланмаган товар. У Компаниянинг ёки ҳамкор савдо нуқталари ҳамда электрон платформаларида молиявий ижара асосида сотиш учун тақдим этилган товар.

“Буюртма” – Мижоз томонидан IMANUM орқали маҳсулотни молиявий ижара асосида харид қилиш учун берилган ариза.

“Модератор” - ҳамкор-дўконлардан савдо бўйича юборилган буюртмаларни қабул қилиш ва текшириш, маҳсулотлар савдода мавжудлигини аниқлаш, мижознинг шахсий маълумотлари

тўғрилигини текшириш ва тегишли ҳамкор-дўконга “Қабз-менежери” ёки курьерни юборишга масъул бўлган Компаниянинг ходими.

“Қабз-менежери” - Мижознинг буюртмасига асосан Компания ҳамкор дўкондан тегишли маҳсулотни сотиб олгач, уни қўлга киритиш (қабз) учун ёллаган ҳамкор-дўкондаги вакили (ходими).

“Компаниянинг платформалари” - Компанияга тегишли IMAN, IMAN Merchant, IMAN web каби илова ва вебсайтлар.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ушбу келишув тарафларнинг мақсад ва истакларини белгилайди, бинобарин, у ҳар икки тараф учун ҳам мажбурий бўлмайди. Яъни, Мижоз маҳсулотни сотиб олишга ва Компания Мижоз учун маҳсулотни молиявий ижара асосида харид қилишга мажбур эмас. Бироқ, тарафлардан бири ушбу келишувда белгиланган ваъдани бажармаганлик оқибатида бошқа тарафга етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаб беради.

2.2. Компания Мижоз танлаган маҳсулотни учинчи шахсдан сотиб олиб унга молиявий ижара асосида сотишга, Мижоз эса Компаниядан келажақда ушбу маҳсулотни сотиб олишга ваъда беради.

2.3. Мижоз учун сотиб олинаётган маҳсулотни Компания ўзи истаган ҳамкор дўкондан харид қилиши мумкин. Бироқ, ушбу маҳсулот Мижоз васфлаган шакл ва миқдорларга мос бўлиши шарт.

2.4. Барча маҳсулотларга Компаниянинг платформалари ва/ёки ҳамкор-дўконлари орқали онлайн ёки офлайн савдо режимида буюртма берилади.

2.5. Маҳсулотлар **12 ойдан ортиқ муддатга** молиявий ижарага берилади. Тўловларнинг аниқ муддатлари IMANUM иловасида кўринади.

2.6. Маҳсулотга буюртма бериш жараёнида Мижоз ойлик тўлов кунини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга. Бунда Мижоз томонидан танланган сана Мижоз маҳсулотни молиявий ижарага олган санадан бошлаб **30 календарь кундан** ошмаслиги керак.

3. МАҲСУЛОТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

3.1. Тарафлар бошқача келишмаган бўлса, Мижоз буюртма қилган маҳсулот янги ва аввал фойдаланилмаган бўлишини Компания кафолатлайди. Компания Мижоз томонидан расмийлаштирилган ва Компания тасдиқлаган буюртмадаги маҳсулотни (марка, модель, ассортимент) сотади ва етказиб беради.

3.2. Муайян маҳсулот юзасидан келишув тузиш тўғрисидаги таклиф Компаниянинг ҳамкорларига тегишли савдо нуқталарида ёки уларнинг **омборларида мавжуд бўлган маҳсулотларга** нисбатан амал қилади. Агар савдо нуқталарида ёки платформа орқали омборда мавжуд бўлмаган маҳсулотга буюртма расмийлаштирилгани аниқланса, Компания 24 соат ичида бу ҳақда Мижозни хабардор қилиши ва шу буюртмани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда, Мижоз бошқа маҳсулотга буюртма бериш орқали буюртмани қайтадан расмийлаштириши лозим.

3.3. Компания ёки унинг ҳамкор-дўкони Мижозга маҳсулот тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни, шу жумладан унинг асосий истеъмол хусусиятлари, тавсифи, кафолат муддати ва яроқлилик

муддати тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилади. Мижознинг сўровига кўра, Компаниянинг оператори Мижозга маҳсулотни бўйича зарур ва етарли қўшимча маълумотларни тақдим этади. Қўшимча маълумотлар оғзаки, телефон орқали, электрон почта, телеграм ёки Компаниянинг платформалари орқали берилиши мумкин. Офлайн-савдоларда маҳсулот тўғрисидаги маълумотлар Мижозга савдо нуқталарида берилади. Онлайн-савдоларда эса маҳсулот ҳақидаги маълумотлар Компаниянинг ёки унинг ҳамкор-дўконларига тегишли электрон платформаларда (сайтлар/иловалар) тақдим этилади.

3.4. Буюртма берилган маҳсулот Мижозга сотилишидан олдин у Компанияга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади ҳамда учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод, солиқ ва хатловларсиз ҳолатда бўлиши кафолатланади.

4. БУЮРТМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

4.2. Буюртмани расмийлаштириш қуйидаги 2 (икки) та шаклдан бири орқали амалга оширилиши мумкин:

4.2.1. Офлайн савдо режими орқали буюртма бериш
Компаниянинг платформалари (IMAN, IMAN Merchant, IMAN web ва бошқалар) орқали буюртма бериш мумкин. IMAN Merchant ва IMAN web платформаларида буюртмани расмийлаштираётганда ҳамкор-дўкон ходими мижозга ёрдам беради.

Мижоз Компаниянинг ҳамкор-дўконига ташриф буюриб, қуйидаги тартибда буюртма беради:

- а) Мижоз **савдо нуқтасида** Компания томонидан белгиланган лимит доирасида маҳсулот танлайди.
- б) Мижоз Компания платформасида **12 ойдан ортиқ бўлган** бўлиб тўлаш муддатларидан бирини танлайди ва етказиб бериш манзилени киритади.
- в) Ҳамкор дўкон **савдо нуқтасида** Компания иловасида генерация қилинган QR-кодни Мижозга тақдим этади ва Мижоз QR-кодни сканерлайди ёки ҳамкор-дўкон ходими мижознинг номидан Мижознинг гувоҳлигида ариза яратади. Мижознинг шахсий маълумотлари тўғрилиги ва сотувда маҳсулот борлиги текширилгач буюртма модераторлар томонидан тасдиқланади. **Шу босқичда Мижоз билан Компания ўртасидаги дастлабки келишув (ваъдалашув) жараёни яқунланиб, унга кўра Компания мазкур маҳсулотни ҳамкор дўкондан харид қилган тақдирда Мижоз маҳсулотни келишилган нарх ва муддатларда Компаниядан молиявий ижара асосида сотиб олишга ваъда берган ҳисобланади.**

4.2.2. Онлайн тарзда буюртма бериш

Онлайн савдода Мижоз маҳсулотга Компания платформаси (marketplace.iman.uz ва бошқалар) орқали буюртма беради. Мижоз Компаниянинг платформасида идентификация ва скорингдан ўтгандан сўнг, маҳсулотни танлагач буюртма бериши мумкин ёки аввал маҳсулотни танлаб, сўнг идентификация ва скорингдан ўтиши ҳам мумкин.

Мижоз онлайн савдода маҳсулотга буюртма бериш учун қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- а) Мижоз Компания платформаси орқали маҳсулотни танлайди. Танланган маҳсулот нархи Компания платформасида белгиланган тўлов лимити доирасида бўлиши керак.

б) Маҳсулотнинг тўлаш муддатини **12 ойдан ортиқ бўлган** бўлган муддатни танлайди. .

в) Мижоз маҳсулот етказиб бериш манзилени киритади ва буюртма аризасини модераторга юборади. Мижознинг шахсий маълумотлари тўғрилиги ва сотувда маҳсулот борлиги текширилгач, буюртма модераторлар томонидан тасдиқланади. **Шу босқичда Мижоз билан Компания ўртасидаги дастлабки келишув (ваъдалашув) жараёни якунланиб, унга кўра Компания мазкур маҳсулотни ҳамкор дўкондан харид қилган тақдирда Мижоз маҳсулотни Компаниядан келишилган нарх ва муддатларда молиявий ижара асосида сотиб олишга ваъда берган ҳисобланади.**

4.3. Агар Модераторда Мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва/ёки ҳужжатларнинг асллиги ёки тўғрилигига нисбатан шубҳа уйғонса, Мижоздан маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни такроран тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Маълумотлар ва ҳужжатлар қайта тақдим этилмаса, модератор буюртмани рад этиш ҳуқуқига эга.

4.4. Буюртма қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида Мижозга IMANUM орқали СМС ёки бошқа алоқа воситаси билан хабар берилади.

4.5. Буюртма қабул қилинган, маҳсулот ҳамкор-дўкондан онлайн тарзда сотиб олинади. Ҳамкор дўкондан сотиб олинган маҳсулот Компания ёллаган Курьер ёки ҳамкор-дўкондаги унинг вакили бўлган қабз-менежери томонидан қабул қилиб олинади. Шундан кейин, маҳсулот сотиб олинганлиги ва уни Мижозга молиявий ижара асосида сотишни таклиф қилиш мазмунидаги хабар Мижозга СМС-тарзида юборилади ёки Мижознинг платформасидаги шахсий аккаунтида кўринади.

4.6. Компания томонидан маҳсулот сотиб олиш учун Мижоздан бошланғич тўлов талаб этилиши мумкин. Мижознинг буюртмаси тасдиқлангач бошланғич тўловга тенг Мижознинг банк ҳисоб-рақамидаги маблағлар музлатилиб, фойдаланишга чеклов қўйилган ҳолда сақлаб турилади, лекин Компания томонидан ечиб олинмайди. Мижоз билан олди-сотди шартномаси тузилиб, маҳсулотни қабул қилиб олгани тасдиқлаганидан кейин бошланғич тўлов Мижознинг ҳисоб-рақамидан ечиб олинади. Агар Мижознинг буюртмаси рад этилса ёки олди-сотди шартномаси бекор бўлса, бошланғич тўловга қўйилган чеклов олиб ташланади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Компаниянинг айби бўлмаган ҳолда буюртма берилган маҳсулотни Мижоз молиявий ижара асосида сотиб олишни рад қилса, у бунинг оқибатида Компанияга етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

5.2. Ушбу дастлабки келишувга кўра кўзлаган фойда ёки бошқа ҳар қандай бой берилган фурсат ҳамда маънавий зарар етказилган ҳақиқий моддий зарарнинг бир қисми ҳисобланмайди, бинобарин, бундай зарарлар ушбу келишувни бузган тарафдан талаб қилинмайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1. Тарафлар келишув бўйича мавжуд эътирозларини келиб тушган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида кўриб чиқадилар.

6.2. Тарафлар мазкур дастлабки келишув бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатида вужудга келган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишга уринадилар.

6.3. Агар Тарафлар низо юзасидан келишувга эриша олмасалар, ушбу Шартнома бўйича барча келиб чиққан низолар, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Миробод, Шайхонтохур, Учтепа, Мирзо Улуғбек туманлараро судларида ҳамда қарздорнинг доимий яшаш манзилидаги ҳудудий фуқаролик ишлари бўйича судида кўриб чиқилади. Шунингдек, зарур ҳолларда Компания қарздорликни Нотариал ёзув асосида ундириш ҳуқуқига эга.

7. КОМПАНИЯНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

СТИР:	307128450
Банк ҳисоб рақами:	Сўмда ҳ/р: 2020 8000 2051 8157 4001 АҚШ долларарида ҳ/р: 2020 8840 9051 8157 4003
Банк:	МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали SWIFT: УЗҲОУ322
Манзил:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй
Тўлиқ шерик	"IMAN HALAL INVESTMENTS" масъулияти чекланган жамияти

ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ СОГЛАШЕНИЕ ОФОРМЛЕНИЯ ЗАКАЗА НА ПРОДУКЦИЮ ЧЕРЕЗ ПЛАТФОРМУ IMANUM

(для финансовой аренды)

№ 3

г. Ташкент

«3» февраля 2025 года

ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И ТЕРМИНЫ

«Предварительное соглашение» – двустороннее обязательство, в соответствии с которым Клиент оформляет заказ на продукцию, а Компания приобретает её для Клиента.

«IMANUM» – электронная платформа «IMANUM» (размещённая на сайте www.imanpay.uz и/или доступная для скачивания через мобильные приложения в Google Market и App Store). Оформление заказов и продажа продукции в режиме офлайн и онлайн осуществляется через платформу IMANUM.

«Офлайн-продажи» – форма торговли, при которой Клиент получает информацию о товаре, выбирает его и оформляет заказ, посещая магазины, сотрудничающие с Компанией.

«Онлайн-продажи» – форма торговли, при которой Клиент получает информацию о товаре, выбирает и оформляет заказ через электронную платформу Компании либо через электронные платформы (веб-сайты или мобильные приложения) магазинов-партнёров Компании.

«Компания» – коммандитное товарищество **«IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO»**, зарегистрированное в соответствии с законодательством Республики Узбекистан (Свидетельство о регистрации: № 814296 от 13 февраля 2020 года. ИНН: 307128450, ОКЭД: 47190, МФО: 01017. Расчётный счёт: 2020 8000 2051 8157 4001, АИКБ «Ипотека-Банк», Яккасарайский филиал).

Юридический адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Равнак, дом 21.

«Клиент» – физическое лицо (резидент или нерезидент Республики Узбекистан), обладающее дееспособностью и безоговорочно акцептовавшее условия настоящего Предварительного соглашения.

«Партнёрский магазин Компании» – субъект предпринимательской деятельности (магазин), у которого Компания приобретает товар по заказу Клиента с последующей его продажей Клиенту.

«**Сторона**» или «**Стороны**» – в зависимости от контекста, Клиент или Компания, либо обе стороны одновременно.

«**Продукция**» – товар, не изъятый из гражданского оборота и не ограниченный в обороте, представленный для продажи в торговых точках Компании, у её партнёров или на электронных платформах.

«**Заказ**» – заявка Клиента на покупку продукции на основе финансовой аренды через платформу IMANUM.

«**Модератор**» – сотрудник Компании, ответственный за приём и проверку заказов, поступивших от партнёрских магазинов, а также за подтверждение наличия товаров, проверку корректности личных данных Клиента и направление в соответствующий партнёрский магазин «Кабз-менеджера» или курьера.

«**Кабз-менеджер**» – представитель (сотрудник) Компании в партнёрском магазине, нанятый Компанией для получения (выдачи) соответствующего товара по заказу Клиента после его приобретения Компанией у партнёрского магазина.

«**Платформы Компании**» – принадлежащие Компании мобильные приложения и веб-сайты, такие как IMAN, IMAN Merchant, IMAN web.

2. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

2.1. Настоящее соглашение определяет намерения и желания Сторон, но не является обязательным для исполнения. Это означает, что Клиент не обязан приобретать товар на основе финансовой аренды, а Компания не обязана покупать товар для Клиента. Однако, если одна из Сторон не выполнит обещание, предусмотренное данным соглашением, и другой Стороне будет нанесён реальный материальный ущерб, виновная Сторона обязана его возместить.

2.2. Компания обязуется приобрести у третьего лица товар, выбранный Клиентом, и продать его Клиенту, а Клиент, в свою очередь, обязуется приобрести данный товар у Компании в будущем на основе финансовой аренды.

2.3. Компания может приобрести товар для Клиента у любого партнёрского магазина по своему усмотрению. Однако приобретаемый товар должен соответствовать описанным Клиентом характеристикам и количеству.

2.4. Заказ на все товары оформляется через платформы Компании и/или через партнёрские магазины в режиме онлайн или офлайн-торговли.

2.5. Товары реализуются на срок **более 12 месяцев**. Конкретные сроки платежей отображаются в приложении IMANUM.

2.6. В процессе оформления заказа Клиент вправе самостоятельно выбрать дату ежемесячного платежа. При этом выбранная дата не должна превышать **30 календарных дней** с момента приобретения товара Клиентом на основе финансовой аренды.

3. ИНФОРМАЦИЯ О ТОВАРЕ

3.1. Если иное не оговорено Сторонами, Компания гарантирует, что заказанный Клиентом товар является новым и ранее не использованным. Компания продаёт и поставляет товар (марка, модель, ассортимент), указанный в оформленном Клиентом и подтверждённом Компанией заказе.

3.2. Предложение о заключении соглашения по конкретному товару действует только в отношении продукции, имеющейся в наличии в торговых точках или на складах партнёров Компании. Если выяснится, что заказ был оформлен на товар, отсутствующий в точках продаж или на складе платформы, Компания обязуется уведомить Клиента об этом в течение 24 часов и имеет право отменить данный заказ. В таком случае Клиент должен повторно оформить заказ на другой товар.

3.3. Компания или её партнёрский магазин предоставляет Клиенту полную и достоверную информацию о товаре, включая его основные потребительские свойства, описание, гарантийный срок и срок годности. По запросу Клиента оператор Компании предоставляет ему необходимую и достаточную дополнительную информацию о товаре. Дополнительная информация может быть предоставлена устно, по телефону, через электронную почту, Telegram или через платформы Компании.

В случае офлайн-продаж информация о товаре предоставляется Клиенту непосредственно в торговых точках. В случае онлайн-продаж информация о товаре доступна на электронных платформах Компании или её партнёрских магазинах (веб-сайтах/мобильных приложениях).

3.4. До момента продажи заказанного товара Клиенту, он находится **в собственности** Компании и гарантированно свободен от любых прав третьих лиц, налоговых обременений и обременений в виде арестов.

4. ОФОРМЛЕНИЕ ЗАКАЗА

4.1. Способы оформления заказа

Оформление заказа может осуществляться одним из следующих двух способов:

4.2.1. Оформление заказа в режиме офлайн-продажи

Клиент может оформить заказ через платформы Компании (IMAN, IMAN Merchant, IMAN web и другие). При оформлении заказа через платформы IMAN Merchant и IMAN web сотрудник партнёрского магазина помогает Клиенту.

Процесс оформления заказа в партнёрском магазине:

а) Клиент посещает торговую точку и выбирает товар в пределах лимита, установленного Компанией.

б) Клиент выбирает срок рассрочки **более 12 месяцев** в платформе Компании и вводит адрес доставки.

в) Сотрудник партнёрского магазина предоставляет Клиенту QR-код, сгенерированный в приложении Компании, который Клиент сканирует. Либо сотрудник партнёрского магазина оформляет заявку от имени Клиента в его присутствии. После проверки корректности личных данных Клиента и наличия товара на складе модераторы Компании подтверждают заказ. **На этом этапе завершается процесс предварительного соглашения между Компанией и Клиентом. Если Компания приобретает данный товар у партнёрского магазина, Клиент обязуется купить его у Компании на основе финансовой аренды.**

4.2.2. Оформление заказа в режиме онлайн-продажи

При онлайн-продаже Клиент оформляет заказ на товар через платформу Компании (marketplace.iman.uz и другие). После прохождения идентификации и скоринга на платформе

Компании клиент может оформить заказ, выбрав продукт, или сначала выбрать продукт, а затем пройти идентификацию и скоринг.

Процесс онлайн-заказа:

а) Клиент выбирает товар через платформу Компании. Выбранный товар должен соответствовать установленному платёжному лимиту Клиента.

б) Клиент выбирает срок рассрочки (более 12 месяцев).

в) Клиент вводит адрес доставки и отправляет заявку модератору. После проверки корректности личных данных Клиента и наличия товара на складе модераторы Компании подтверждают заказ. На этом этапе завершается процесс предварительного соглашения между Компанией и Клиентом. Если Компания приобретает данный товар у партнёрского магазина, Клиент обязуется купить его у Компании на основе финансовой аренды.

4.3. Если у модератора возникнут сомнения в подлинности или корректности представленных Клиентом данных и/или документов, он вправе запросить их повторное предоставление. В случае отказа в предоставлении повторных данных и документов модератор имеет право отклонить заказ.

4.4. Клиенту направляется уведомление о принятии или отклонении заказа через SMS или другие средства связи в IMANUM.

4.5. После подтверждения заказа товар приобретается у партнёрского магазина в режиме онлайн. Приобретённый товар принимается представителем Компании — курьером или кабз-менеджером по выдаче в партнёрском магазине. После этого, Клиенту отправляется SMS-сообщение о том, что товар был куплен и направляется предложение его покупки на основе финансовой аренды, либо данная информация отображается в личном кабинете Клиента на платформе.

4.6. Компания может потребовать от Клиента внесения первоначального платежа для покупки товара на основе финансовой аренды. После подтверждения заказа сумма первоначального платежа блокируется на банковском счёте Клиента, но не списывается Компанией.

Списание первоначального платежа осуществляется только после заключения договора купли-продажи и подтверждения Клиентом получения товара.

Если заказ Клиента отклонён или договор купли-продажи расторгнут, блокировка первоначального платежа снимается.

5. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН

5.1. В случае отказа Клиента от приобретения заказанного товара на основе финансовой аренды без вины Компании, Клиент обязуется возместить Компании причинённый реальный материальный ущерб.

5.2. В соответствии с настоящим предварительным соглашением, предполагаемая выгода или любые другие упущенные возможности, а также моральный ущерб не считаются частью реального материального ущерба, следовательно, такие убытки не могут быть предъявлены стороне, нарушившей настоящее соглашение.

6. УРЕГУЛИРОВАНИЕ СПОРОВ

6.1. Стороны рассматривают имеющиеся претензии в течение 3 (трёх) банковских дней с момента их поступления.

6.2. Стороны стремятся разрешить все споры, возникшие вследствие неисполнения обязательств по настоящему Предварительному соглашению, путём переговоров.

6.3. Если Стороны не достигнут соглашения, все споры, возникающие в связи с настоящим Соглашением, подлежат рассмотрению в межрайонных судах по гражданским делам Яккасарайского, Мирободского, Шайхонтохурского, Учтепинского, Мирзо-Улугбекского районов, а также в суде по месту постоянного проживания должника.

Кроме того, в необходимых случаях Компания вправе взыскать задолженность на основании нотариального исполнительного надписи.

7. РЕКВИЗИТЫ КОМПАНИИ

ИНН:	307128450
Банковский счет:	Сўмда ҳ/р: 2020 8000 2051 8157 4001 АҚШ долларида ҳ/р: 2020 8840 9051 8157 4003
Банк:	МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали SWIFT: УЗҲОУ322
Адрес:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй
Полный товарищ	"IMAN HALAL INVESTMENTS" масъулияти чекланган жамияти